



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Судьялар олий кенгаши раиси
Х.Ёдгоров
2022 йил 20 январь

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2023 йилнинг 1-ярмига мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ

| № | Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар | Амалга ошириш Механизмлари | Амалга ошириш шакли | Муддати | Масъул ижрочилари |
|-------------------------|---|--|----------------------------------|------------------|---|
| Умумий масалалар | | | | | |
| 1. | Суд тизимида гендер тенглигини таъминлаш | 1. Судьялар олий кенгаши томонидан суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаш. 2. Гендер стратегиясининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган давра сұхбатини ўтказиш 3. “Ўзбекистон аёл судьялари” журналини нашрга тайёрлаш | Алоҳида режа | йил давомида | Н.Бобохонова М.Қаландарова |
| 2. | Суд тизимининг ахборот сиёсати концепциясини тасдиқлаш. | 2023-2026 йилларга мўлжалланган суд тизимининг ахборот сиёсати концепциясини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. | Концепция лойиҳаси | 2023 йил февраль | Т.Буваев Б.Сабиров Т.Акбаров Д.Арипов А.Эшмуродов |
| 3. | Айrim тоифадаги фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш ваколатини тегишлилиги бўйича маъмурий органларга ўтказиш. | Одил судлов фаолиятини амалга ошириш учун жалб этилган ресурслардан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, айrim тоифадаги фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш ваколатини тегишлилиги бўйича маъмурий органларга ўтказиш. | Норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси | 2023 йил февраль | Х.Камолов С.Каримов М.Назаров |
| 4. | Жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўйи инстанция судларининг ўзида якунлаш тартибини белгилаш. | Одил судлов фаолиятини амалга ошириш учун жалб этилган ресурслардан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўйи инстанция судларининг ўзида якунлаш тартибини белгилаш. | Норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси | 2023 йил февраль | И.Хакимов М.Назаров Б.Эшқуватов |

| | | | | | |
|-----|--|--|----------------------------------|--------------------|--|
| 5. | Фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича медиация институтини кенг жорий этиш. | Одил судлов фаолиятини амалга ошириш учун жалб этилган ресурслардан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича медиация институтини кенг жорий этиш бўйича асослантирилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш. | Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси | 2023 йил февраль | И.Хакимов И.Насиров С.Холбоев |
| 6. | Судьялар олий кенгашини ҳақиқий судьялар ҳамжамияти органига айлантириш чораларини кўриш. | 1. Судьялар олий кенгаши фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. 2. Судьялар олий кенгаши таркибини шакллантиришда судьяларнинг роли ва ўрнини белгилаш. | Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси | 2023 йил март | Т.Буваев М.Қаландарова Ҳ.Исоқов Д.Исаилов |
| 7. | Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг 2023/2024 ўқув йили учун судьялик лавозимларига номзодлар тайёрлаш курсига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни қайта кўриб чиқиш. | 1. Судьялик лавозимларига номзодлар тайёрлаш курсига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни қайта кўриб чиқиш. 2. Хужжатларни қабул қилиш бўйича қабул комиссияси таркибини тасдиқлаш. 3. Хужжатларни қабул қилиш даврини белгилаш ва эълон қилиш. 4. Хужжат топширган талабгорнинг шахсини ўрганиш 5. График режа асосида Психологик тест ўтказиш. 6. Мутахассисликка оид тест саволларини ишлаб чиқиш. | График режа, Амалий тадбирлар | 2023 йил март-июнь | А.Жалилов Т.Буваев М.Қаландарова |
| 8. | Судларнинг штат бирликларини самарали тақсимлаш | Иш юкламаси мақбуллаштирилган судларнинг штат бирликларини самарали тақсимлаш бўйича асослантирилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш. | Таҳлилий маълумотнома | 2023 йил апрель | Х.Садиков |
| 9. | Аҳоли хуқуқий онгини ошириш, фуқароларнинг судга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, одил судлов сифатини ошириш. | 1. “Маъмурий судларга мурожаат қилиш тартиби” қўлланмасини нашрга тайёрлаш. 2. “Маъмурий судларда суд хужжатларини расмийлаштириш” қўлланмасини нашрга тайёрлаш. 3. “Фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш тартиби” қўлланмасини нашрга тайёрлаш. | Қўлланма | 2023 йил май | М.Қаландарова Д.Исаилов И.Насриев |
| 10. | Судьялар ҳамжамияти органларининг хуқуқий асосларини белгилаш | Куйидагиларни назарда тутувчи “Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ти қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш: судьялар ҳамжамияти органларининг вазифалари, функциялари ва ваколатлари; судьялар ҳамжамияти органларини шакллантириш, шу жумладан ушбу органларга номзод кўрсатиш тартиби; судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти механизmlари, ўзаро ва бошқа идоралар билан ҳамкорлик қилиш тартиби. | Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси | 2023 йил май | М.Қаландарова О.Хакимов |

| | | | | | |
|-----|---|--|---|---------------|--|
| 11. | Суд ҳокимиятининг нуфузи, мавқеи ва обрўсини янада юксалтириш чораларини кўриш. | <p>1. Олий суд ва қуий судларнинг жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик қилувчи тузилмаларининг иш фаолиятини танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқиб, уларнинг фаолиятини янгича ёндашув ва усуллар асосида йўлга қўйиш, тузилмаларни профессионал кадрлар билан тўлдириш чораларини кўриш.</p> <p>2. Судлар фаолияти билан боғлиқ турли манбаларда эълон қилинадиган нохолис ва бир томонлама ахборотлар бўйича зудлик билан муносабат билдириш амалиётини йўлга қўйиш.</p> <p>3. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тўғри ва холисона, қонун талаблари доирасида ёритиши ташкил этиш мақсадида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан журналистлар ва блогерлар учун маҳсус ўқув курсларини ташкил этиш.</p> <p>4. Кенг жамоатчиликда судлар фаолияти бўйича объектив ва холисона фикр-мулоҳазалар ҳамда қарашларни шакллантириш мақсадида медиа режа асосида ОАВ ва ижтимоий тармоқларда турли шакл ва кўринишдаги чиқишлиарни ташкил этиш.</p> | Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси | 2023 йил май | С.Каримов Т.Акбаров А.Эшмуродов |
| 12. | Судьялар олий кенгаши томонидан тасдиқланган идоравий хужжатларни тизимлаштириш | <p>1. Судьялар олий кенгаши томонидан тасдиқланган идоравий хужжатларни хатловдан ўтказиш ва рўйхатини тузиш.</p> <p>2. Идоравий хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни ўз кучини йўқотган деб топиш.</p> <p>3. Судьялар олий кенгаши томонидан тасдиқланган идоравий хужжатлар тўпламини тайёрлаш ва Кенгашнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш.</p> <p>4. Судьялар олий кенгаши томонидан тасдиқланган идоравий хужжатлар матнини Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базасига (lex.uz) жойлаштириш.</p> | Кенгаш қарори лойиҳаси | 2023 йил июнь | Н.Бобохонова Т.Буваев М.Каландарова Х.Садиков |
| 13. | Судьялар олий кенгаши архивини рақамлаштириш | <p>1. Кенгаш архивини хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Архивдаги йиғмажилларни сканер қилинган электрон нусхасини яратиш.</p> <p>3. Электрон нусхаси яратилган йиғмажилларни тегишли малака ҳайъатларига сақлаш учун юбориш.</p> <p>4. Кенгашда иш юритиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага архивни рақамлаштиришга оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.</p> | График тақсимот режа, Амалий тадбирлар | 2023 йил июнь | Х.Садиков |

| Судьялар корпусини шакллантириш | | | | | |
|---------------------------------|--|---|---|-------------------------|---|
| | | | | | |
| 14. | Судьялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш кўрсаткичларни таҳлил қилиш | <p>1. Фаолияти қониқарсиз ва ёмон баҳоланган судьялар бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиши юзасидан судьялар малака ҳайъатларига ва Судьялар олий малака ҳайъатига муносабат билдириш.</p> <p>2. Фаолияти қониқарсиз ва ёмон баҳоланган судьяларнинг касбий малакасини ошириш.</p> <p>3. Рейтингда ижобий натижаларга эришиш учун бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар бўйича судьялар орасида семинар машғулотлари ўтказиш.</p> | Комплекс чора-тадбирлар режаси | 2023 йил январь февраль | Н.Бобохонов Х.Садиков Д.Арипов Б.Омонов Р.Назаров |
| 15. | Олий малака ҳайъати ва ҳудудий судьялар малака ҳайъатлари ҳамда Судьялар одоб комиссиялари фаолиятини ўрганиш | <p>1. Малака ҳайъатлари, шунингдек, Судьялар одоб комиссиялари фаолиятини ўрганиш график-режасини ишлаб чиқиши.</p> <p>2. Ўрганиш натижаларини Кенгаш мажлиси муҳокамасига киритиши.</p> <p>3. Аниқланган камчиликлар юзасидан ўқув-семинар машғулотларни ўтказиш график-режасини тасдиқлаш.</p> | График-режа, Текшириш маълумотномаси | йил давомида | А.Жалилов Н.Бобохонова Т.Буваев |
| 16. | Судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолаш натижаларига кўра чора-тадбир белгилаш. | <p>1. Психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолаш юзасидан психологик тест синовларини ўтказиш.</p> <p>2. Психологик портрети қониқарсиз баҳоланган судьяларнинг психологик ҳолати бўйича соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда сухбат (машғулот, тренинг) ўтказиш.</p> | График –режа | йил давомида | С.Каримов Х.Махмудова (психолог) |
| 17. | Судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофлик принципини янада кенгроқ жорий этиши. | <p>1. Суд тизимидағи раҳбарлик лавозимларига тайинлашда демократик тамойилларни кенг жорий этиши.</p> <p>2. Судьялар корпусини шакллантириш бўйича илфор хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда соҳага очиқлик ва шаффофлик принципларини кенг жорий этиши бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.</p> | Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси | 2023 йил март | Н.Бобохонова Б.Сабиров Ш.Хақназаров А.Бобоқулов |
| 18. | Байрам арафасида бир гурӯҳ фахрийлар ва судьяларни тақдирлаш | <p>1. Бир гурӯҳ фахрийлар ва судьяларни Халқаро хотин-қизлар куни ҳамда Хотира ва қадрлаш куни байрамлари арафасида “Суд фахрийси” кўқрак нишони билан тақдирлаш.</p> <p>2. Байрам арафасида тантали тақдирлаш маросимини ўтказиш.</p> | Кенгаш қарори лойиҳаси | 2022 йил март, май | Х.Садиков Н.Бобохонова С.Каримов |
| 19. | Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан тақомиллаштириш. | Судьялар олий мактабининг фаолиятини тўлиқ таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уни тубдан ислоҳ қилишга қаратилган аниқ чораларни белгилаш. | Норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаси | 2023 йил июнь | М.Қаландарова О.Мирзамахмудов Д.Исаилов |

| Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш | | | | | | |
|---|---|--|--|--|------------------|--|
| 20. | Суд тизимида коррупциянинг олдини олиш | | 1. Коррупциянинг барча қўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш юзасидан онлайн ўкув курсларини ташкил этиш. 2. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан суд тизимида коррупцияга қарши курашиш юзасидан ҳамкорлик қилиш | Амалий тадбирлар | йил давомида | Т.Буваев М.Қаландарова |
| 21. | Кенгашга судьяларнинг хатти-харакатига нисбатан келиб тушган мурожаатларини таҳлил қилиш | | 1. 2022 йил давомида Кенгашга судьяларнинг хатти-харакатига нисбатан келиб тушган мурожаатлар рўйхати ва уларнинг кўриб чиқилиши натижаси бўйича статистик жадвалларни тайёрлаш. 2. Мурожаатлар ҳамда мурожаатлар асосида ўтказилган хизмат текширувлари, кўрилган интизомий ишларни таҳлил қилиш. 3. 2022 йил давомида Кенгаш томонидан судьяларнинг хатти-харакатига нисбатан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши тўғрисида таҳлилий маълумотнома тайёрлаш. | Электрон рўйхат, жадваллар, Таҳлилий маълумотнома | йил давомида | Х.Камолов О.Мирзамахмудов Б.Эшқуватов Ж.Убайдуллаев С.Яхшибоев |
| 22. | Судьяларга одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай вазифалар юклатилишига йўл қўйил-маслигини таъминлаш. | | 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали жисмоний ва юридик шахслардан хукукий тушунтириш юзасидан келиб тушаётган мурожаатларни адлия органлари томонидан кўриб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш. 2. Республика миқёсида, хусусан олис ҳамда чекка ҳудудларни қамраб олган ҳолда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун сайёр қабулларни Олий суд томонидан мустақил равишда ташкил этишни белгилаш. | Ташкилий-хукуқий чора-тадбирлар | 2023 йил февраль | Т.Буваев М.Қаландарова Д.Арипов С.Холбоев Ж.Убайдуллаев |
| 23. | Судьялар мустақиллигини таъминлашнинг янги механизмларини яратиш. | | 1. Судьялар ҳамжамияти органларининг ролини янада ошириш ва судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш. 2. Судьялар дахлсизлиги бузилган ҳолатларда судьялар томонидан тўғридан-тўғри Судьялар олий кенгаши раисига онлайн платформа орқали мурожаат қилиш имкониятини яратиш. | Норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси | 2023 йил февраль | Б.Сабиров Х.Садиков Р.Махмудова А.Икрамов |

| | | | | | |
|-----|--|---|--|---------------------|--|
| 24. | Судьялар фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслигини таъминлаш. | <p>Кўйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>судга хурматсизлик қилиш ҳолатларининг олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, бунинг учун маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш ва жиноий жавобгарлик белгилаш;</p> <p>суд ишларини ҳал этишга аралашганлик ва суд хужжатини ижро этмаганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш;</p> <p>судьяга нисбатан туар жой дахлизлигига, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган почта, курьерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларининг сир сақланишига бўлган хукуқларни чекловчи, шунингдек, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисидаги ахборотни олишдан иборат тезкор-қидирув тадбирларини ўtkazishга фақат Бош прокурорнинг санкцияси асосида йўл қўйилишини белгилаш.</p> | Норматив-хукуқий хужжат лойиҳаси | 2023 йил февраль | О.Мирзамахмудов М.Қаландарова С.Яхшибоев |
| 25. | Судьяларга нисбатан интизомий жазо кўллаш амалиётини таҳлил этиш | <p>1. Судьяларга нисбатан қўлланилган интизомий жазонинг қонуний ва асослигини ўрганиш натижаларини юзасидан таҳилилий маълумотнома тайёрлаш.</p> <p>2. Судьяни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни янги таҳрирда қабул қилиш.</p> <p>3. Судьяни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш тартиби юзасидан малака ҳайъатлари учун қўлланма тайёрлаш.</p> | Низом лойиҳаси Қўлланма | 2023 йил февраль | А.Жалилов М.Қаландарова Х.Садиков |
| 26. | Судьялар дахлизлигини таъминлаш билан боғлиқ ташкилий чораларни кўриш | <p>1. Судьялар дахлизлиги билан боғлиқ ҳолатлар ва кўрилган чораларни таҳлилий ўрганиш.</p> <p>2. “Судьянинг мустақиллиги ва дахлизлиги. Суд ишига аралашганлик учун жавобгарлик асослари” номли қўлланмани нашрдан чиқариш.</p> | Қўлланма | 2023 йил январь | Н.Бобохонова М.Қаландарова |
| 27. | Суд тизимида коррупциянинг олдини олиш | Судьялар билан профилактик сухбат ўtkazish ва коррупция ҳолатлари содир этилганда унинг келиб чиқишига шароит яратадиган омилларни аниqlаш ва тегишли таклифлар тайёрлаш | Таҳлилий маълумотнома | йил давомида | А.Жалилов Т.Буваев Б.Сабиров |
| 28. | Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартибини такомиллаштириш. | Судьяларга пенсия тайинлашда амалиётда юзага келаётган ноаниқлик ва муаммолар таҳлили асосида судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартибини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2023 йил июнь | М.Қаландарова Ж.Балкибаева С.Яхшибоев |